





*Тупоҳ - худ фаслида зотир бӯлмаслик,  
Тупоҳ - шохир фаслида шотир бӯлмаслик.*

Насиба ДИЛСЎЗ

**Баҳор**  
**эртаклари**  
(шеърлар)

ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS»  
2007

34(59)6-5 Ўзб. 232б, 2с2рларч-  
Шеърлар

Баҳор эртаклари... Шеърят фасли...

Нақадар нафис туйгулар макони. Мисраларни  
уқий борасану беихтиёр баҳор нафаси уфуриб  
турган боққа қадам қуйгандай буласан. У сени  
мафтун айлайди. Сония ичида бутун борлигинг  
билан унинг тафтига сингиб кетгинг келади.  
Унутасан дунёни, унутасан ташвиш-хавотирни.

Азиз шеърят ихлосмандлари, Насиба Дилсўз  
Сизга фалсафий, ҳаётий кечинмаларга бой ана  
шундай баҳор эртақларини улашмоқда. Ундан  
бахраманда булинг!

FD 33001  
1

20 08  
A 1169

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MF

ISBN 978-9943-312-07-4

©«DAVR PRESS» нашриёти, 2007

2



## ШЕЪРИЯТ ФАСЛИ

Қиш кетди, эртага баҳор, — деган дам,  
Энг биринчи бодом оқ шеър ўқийди.  
Навбат талашганча бойчечак илдам,  
Бир ажиб тиллоранг қўшиқ тўқийди.

Шундай бошланади шеърият фасли,  
Ашъорга айлангай баҳорий кунлар.  
Қурбақа уялар ҳуснидан, асли  
Энг катта шоир у, куйлайди тунлар.

Дарахтлари соҳир бу ҳур ўлкаминг,  
Навдаларда минглаб куртак ёзарлар.  
Бир ками билинмай қолар бир камнинг,  
Унутилиб кетар барча озорлар.

Шунчалар бийронки барча қушлари,  
Қофиялар келар жарангдор ва соз.  
Баҳорни олқишлаб жўшгани сари,  
Авж пардаси равон — фикримга асос.





Тошларини қандай камситиш мумкин,  
Хокисор шоирим навбат кутажак.  
Бир куни кўрасиз, ишонинг, бир кун  
Энг чиройли байтни улар тутажак.

Сойлари бетакрор бахши, ҳайқириб  
Баҳорга қасида, дoston айтарлар.  
Чапани чақмоқлар кўксига уриб,  
Ёлғони йўқ, фақат ростдан айтарлар.

Мадҳ битмаслик гуноҳ баҳор шаънига,  
Гуноҳ – мисраларда бойир бўлмаслик.  
Ёзар қизғалдоқ-ла қабрлар томига,  
Гуноҳ – шеър фаслига доир бўлмаслик.

Тиконнинг ғунчасин кўрган газал дер,  
Суқилган таёқни шоир деб чақир.  
Менга навбат беринг, мен ҳам ўқий шеър,  
Шоир бўлмасликка ҳаққим йўқ, ахир!

Гуноҳ – гул фаслида зоир бўлмаслик,  
Гуноҳ – шеър фаслида шоир бўлмаслик.





## ВАТАН

1

Бу тупроқни авайлаб силайман.  
Бир вақтлар... Даладаги  
Дорили сувни симириб сўлган,  
Жигари оғриб ўлган  
Онамнинг оғриган жигари  
Тупроққа айланиб бўлган.  
Уни сиқимлаб ушлаб турганча,  
Онамнинг дарди — жигарининг сим-сим  
Оғриғини жонимда туяман.  
Тупроқ тутган кафтим ўз-ўзидан  
Кўксимга интилар,  
Нақ юрагим устига...  
Тупроқнинг дардини олгим келади,  
Куяман, куяман...  
Демак, бу тупроқ онам менинг!  
Она тупроқ, сени авайлашим шундан.

2

Бу тупроқни ҳидлаб-ҳидлаб силайман.  
Соғиниб кетаман отамни —



7



Бир умр даласидан чиқмаган,  
Туйғуларини, бахтини, вақтини,  
Терини аямай тупроққа тўкиб-тўкиб...  
Умри тўкилиб тугаганини,  
Соб бўлганини билмай қолган отамни.  
Отамнинг ҳидини туяман,  
Тўйиб бош қўя олмаган бағрини қўмсаб,  
Тўйиб-тўйиб ҳидлайман.  
Шу оддий тупроқни отамлаб, бошимни  
Қўяман, қўяман...  
Демак, бу тупроқ отам менинг!  
Ота тупроқ, сенга талпинишим шундан.

3

Бу тупроқни энтикиб силайман.  
Онам уни қандай яхши кўрарди,  
Хоки майса бўлиб унгани аниқ,  
Онамнинг онаси ётар-ку бу ерда.  
Отам уни қандай эъзозларди,  
Туроби илдизга дўнгани аниқ,  
Отамнинг отаси ётар-ку бу ерда.  
Улар бор меҳрини аввало ерга,  
Сўнг бизга бергани шундан экан-да.







Биз эса улардан хато ранжиганмиз...  
Чидаб бўлмас аччиқ армон туяман:  
Кимнидир йўқотгач хатони англамоқ — хато,  
Ниманидир йўқотгач хатони англамоқ — хато,  
Кечиримларнинг савил қолгани хато,  
Изҳорларнинг эгасиз қолгани хато.  
Армондан хирмонлар уяман,  
Уяман, уяман...  
Демак, бу тупроқ ўтмишим менинг!  
Мерос тупроқ, сенга юкунишим шундан.

4

Бу тупроқни ардоқлаб силайман.  
Бир орзу туғилар юракда  
Ва эртактаги баҳодир янглиф  
Дақиқалар сайин ўса бошлайди:  
Бир куни, албатта, вақти келганда...  
Бир уюм тупроқни қучиб  
Болаларим, Она, деб йиғлар.  
Мен эса ётарман хотиржам, мамнун,  
Она тупроққа айланганимдан фахрланиб.





Ахир эҳтиётлашар болалар Онани,  
Ҳимоя қилишар тиш-тирноқ билан.  
Ўшанда...

Эмин-эркин гуллаб туражак,  
Жигари оғриган шўр тупроқ онам.  
Ўшанда...

Тўкилиб соб бўлган отам

Гуркираган боғлар ила

Сокин суҳбат қуражак.

Мен эса уларнинг бағрида эркалиниб,

Қиёси йўқ сурур туяман.

Болажонларимнинг бахтини алқаб,

Ястаниб ётурман ўшанда...

Жилмаяётган баҳодир орзуларимни

Суяман, суяман...

Демак, бу тупроқ келажагим менинг!

Турон тупроқ, сени ардоқлашим шундан!



## БОШ СИЛКИЙСАН...



Бош силкийсан аста, мулойим,  
Хушлашмоққа қўлинг етмайди.  
Жилмаясан олисдан, доим  
Келай дейсан... йўлинг етмайди.

Кўзларингга тўлади қайғунг,  
Нигоҳинг — қуш, ўктам ва озод.  
Ўзингдан-да яширган туйгунг —  
Севгинг етиб келар ниҳоят.

Кутуб олгум. Титроқ нафас-ла  
Кўришар Дил бағрига босиб.  
Нега бизга, — хўрсинар аста —  
Ошкор висол эмас муносиб?

Гуллар янглиғ сўзларни териб,  
Жаннатда сайр этсак нетарди...  
Хато қилдим Дилга эрк бериб,  
Кипригимни армон кўтарди.

Нигоҳим — қуш, қафасдаги қуш,  
Манзилига ҳеч қачон етмас.  
Бироқ севгинг хуш келибди, хуш,  
Кутма — қайтиб ҳеч қачон кетмас!





## ЎЗНИНГ КИРИШИ

Боғларим гулин тўқди,  
Оҳ, дарахтларим юкли.  
Уларга боқма, шамол,  
Сенга муштоқ мажнунтол.

Куннинг кўйлаги гулдор,  
Турфа ранги бетакрор.  
Атир пуркаб чарчамас,  
Ифоридан барча маст.

Кечалари юлдуз, ой  
Пастлаб келар, ҳойнаҳой  
Кўзига уйқу инмай,  
Кимнидир имлар тинмай...

Сабру тоқат беҳуда —  
Тўлиқиб кетдим жуда.  
Бирдан юрагим тошди,  
Қароқларимдан ошди.





Тўхтата олмасман ҳеч,  
Наҳот бўлса энди кеч.  
Шошил, шошил тушми, ўнг,  
Юраксизсан, дема сўнг.

Тўкилиб тамом бўлмай,  
Аҳволим ёмон бўлмай,  
Келақолгин, суюк ёр,  
Дийдорингда нажот бор.

Боғларим гулин тўкди,  
Оҳ, дарахтларим юкли...  
Уларга боқма, шамол,  
Сенга муштоқ мажнунтол.





## КЎРИШМОҚ ИШҚИ

*Дўзахда ёнган йигитнинг, синглимнинг  
уйи, деб бугдойзор четидаги кулбани  
кўрсатгани учун, фақат кўрсаткич  
бармоғи омон қолибди.*

*Ривоятдан.*

Унингсиз висол ҳам, ҳижрон ҳам ёлғон —  
Соғинч инъом этсин ҳар қандай тақдир.  
Одам Ато, Момо Ҳавводан қолғон  
Ўлим ҳақ, муқаррар Соғинч ҳам ҳақдир.

"Дийдор қиёматга" қолмаслик керак,  
Қачондир айрилсак йўл айросида.  
Кўришмоқ ишқида бонг урсин юрак,  
Вужуднинг ҳар битта ҳужайрасида.

Ота, юзлашганда у маржон-маржон  
Оқаётган ёшми терга қўшилиб?!  
Мен етиб борайин, дардманд онажон,  
Она, кетмай туринг ерга қўшилиб!

Оғаларим, жоним инижонларим,  
"Бугдойзор четида уйи"м бор, қаранг.  
Зотан ташвишлар кўп, илининг ярим  
Соғинчни — бармоқла эслашга яранг.





Опа-сингилларим – учган кушларим,  
Фақат кетмоқ учун қаноти борлар.  
Гўё ўнг, тескари келар тушларим –  
Вақти-соатиға интиқ Дийдорлар.

Дўстим, баъзида ғам, шодликка гоҳи  
Кўмилиб яшарсан ортмай ўзингдан.  
Ҳар кимнинг ўзига савоб, гуноҳи,  
Фақат... таниёлмай қолмай сўзингдан.

Жуфтим-ай, соғинсин бармоқларингиз,  
Уни сочларимга айтгиси келсин.  
Ихтиёри сизда бўлса-да ҳаргиз,  
Доим сочларимга қайтгиси келсин.

Болаларим – кўзим оқу қораси –  
Сизсиз бу дунёни урайми бошга.  
Соғинч – Мен! Ҳаёт ва Ўлим ораси –  
Адаштириб юрманг ёзувли тошга.

Гарчи борар йўллар равон ва ёруғ,  
Соғинч чорламаскан чопа олмасман.  
Санчиб қўйинг уни дилга этиб туғ,  
Бўлмаса мен Сизни топа олмасман.





## САРХУШМАН

Менга шароб тутма, майпараст дўстим,  
Ичган аламлардан ерпарчин – мастман.  
Гоҳида иқболдан маст бўлдим – ўсдим,  
Пойимда ястаниб ётибди осмон.

Май менга не даркор, симирдим тунни,  
Симирдим қуёшнинг тутган жомини.  
Ичаяпман менга аталган кунни,  
Олқишлаб ё қарғаб ҳаёт номини.

Ҳар тонг тирикликнинг таъмини тотиб,  
Ширинми, аччиқми титроқ туярман.  
Орзуни кўтариб, армонга ботиб,  
Сабр косасига кўз ёш қуярман.

Руҳим фалакдаги ойни ичаркан,  
Юлдузни қучоқлаб ухлаган тушман,  
Йилларни шаробдек симираркан тан,  
Май менга не даркор, ҳали... сархушман.







## ҚАРАБ БЎЛДИМ

Боқма деди, қараб бўлдим,  
Бу не жамол, ё Раб, бўлдим  
Ақлимдан буткул бегона,  
Буткул кўнгил тараф бўлдим.

Кўнглим: унутди кимдир у —  
Энди Сайхун, Жайхундир у.  
Икки дунёни тан олмас,  
Балки Лайли, Мажнундир у.

Кўнглим: гулдек тўкилмоқчи,  
Булбулдек сайроқ бўлмоқчи.  
Ишқ аҳлига бир туғ даркор —  
Муқаддас байроқ бўлмоқчи!

Боқма деди, қараб бўлдим,  
Бу не ҳусн, ё Раб, бўлдим  
Ақлимдан буткул бегона,  
Буткул кўнгил тараф бўлдим.

Боқма деди, қараб бўлдим...





## ЧОРЛОВ

Баҳор, куртакларинг бағримга босдим,  
Абру найсонларинг киприкка осдим,  
Сен ҳам менга шошгин, мен сенга шошдим.  
Чунки ишқ фаслисан, муҳаббат фасли,  
Тил учуда турган бўзимсан асли.

Қизғалдоқларга сир айтгим келмоқда,  
Турналаринг билан байтим келмоқда,  
Қайтақол, мен сенга қайтгим келмоқда.  
Чунки ишқ фаслисан, муҳаббат фасли,  
Гулга кираётган сўзимсан асли.

Кўзларимга нур бер, чақмоқ истайман,  
Оташ бер, офтобни ёқмоқ истайман,  
Топ мени, мен сени топмоқ истайман.  
Чунки ишқ фаслисан, муҳаббат фасли,  
Висолга интизор кўзимсан асли.

Тоғлар кўксига бош қўярман келсанг,  
Тиконингни ўпиб, суярман келсанг,  
Қонимни яшилга бўярман келсанг.  
Чунки ишқ фаслисан, муҳаббат фасли,  
Баҳор, сен ўзимсан, ўзимсан асли.





## МАЙЛИ ДЕМАНГ

Хайр десам, майли деманг,  
Сенсиз куним ойли, деманг.  
Айрилиқни танлаб, сўнгра,  
Нетай, тақдир зайли, деманг.

Кетар бўлсам кўнгил узиб,  
Бахтни вайрон этиб, бузиб.  
Ишонманг сиз дўст-душманга,  
Беролмаслар қайта тузиб.

Бўлармикан мендан кечиб —  
Ниқобингиз ташланг ечиб.  
Ҳажрим оғу — ўлдиражак,  
Бўлмас ичиб, бўлмас ичиб.

Хайр десам, майли деманг...





## ҚАЙТИШ АЗОБИ

Ўн бешида тўлар ой,  
Ўн беш кунда қайтажак.  
Қайтиш азоби нима,  
Ундан сўра – айтажак.

Фалакка боқма ҳайрон,  
Демаса ой, мен дейин.  
Ҳилол – кемтик кўнгилни  
Севоласанми кейин?

Тўлишиб тўкилган дон  
Интилиб майса бўлар!  
Эрксевар қўшиқларга  
Қўшиблар айтса бўлар!

Аммо буларнинг бари  
Кейинроқ, кейин, кейин.  
Тўкилиб тупроқ бўлмоқ,  
Хазон бўлмоқлик қийин.





Қайтган турна қур-қуру,  
Ташаккур нидосими?!  
Ярим йўлда қулаган,  
Ҳамроҳин видосими?!

Кетмоққа маҳкум Тақдир,  
Қайтмоғи мушкул, қийин.  
Умид, тирик кўз янглиғ  
Оппоқ кий, қора кийин.

Нима бўлди, Насиба,  
Баланд кўтар бошингни!  
Жон Эгамга қайтмасдан,  
Ишққа қайтар лошингни!

Илтимос, журъат, қўл бер,  
Қийнама, гурур, йўл бер,  
Кетдик, кечирим, кийин!  
Бормисан, омонмисан,  
Севги, Мен келдим, дейин!





## ТАШҚАРИДА...

Ташқарида увиллар шамол,  
Деразамга урар тўшини.  
Силкинади бир дарахт беҳол,  
Кучоқлайди ночор қушини.

Иссиққина хонамда туриб,  
Ўша қушга келмоқда раҳмим —  
Кўзим билан бораман юриб,  
Етаклайди таҳлика, таҳмин...

Кўзим билан юраман аста,  
Совуқ ўтиб кетар жонимдан.  
Юрак — қушга айланар хаста,  
Унга ҳамдард бўлган онимдан.

Ташқарида увиллар шамол,  
Силкинади бир дарахт беҳол...



## СИЗДАН ЭМАС

Тикилмангиз маъюс, дилпора,  
Қиё боқмам, бўлманг овора.  
Сиздан эмас — хумор, қоп-қора —  
Аразладим кўзларингиздан:  
Менга кулиб қарамай қўйди.

Гоҳо мағрур, гоҳида вайрон,  
Нега жимсиз, турибсиз ҳайрон.  
Сиздан эмас — ул шўху хандон —  
Аразладим сўзларингиздан:  
Аҳволимни сўрамай қўйди.

Рости, сизга айтар гинам йўқ,  
Зардаларим отмам мисли ўқ.  
Сиздан эмас — кўнгил бўлсин тўқ —  
Аразладим кўлларингиздан:  
Гул тутмоққа ярамай қўйди.





Айро кунлар эмасдир бежиз,  
Эп кўрсангиз кетаверинг Сиз.  
Сиздан эмас — қадрдон, азиз —  
Аразладим йўлларингиздан:  
Изимизни қурамай қўйди.

Сиздан эмас аразларим, йўқ...







## ГОҶ-ГОҶ

Хўп қадимги иборалар  
Терс келадир бугун гоҳ-гоҳ.  
Менмас, қалам дил поралар —  
Этар огоҳ, этар огоҳ.

Юз-хотирдан сўйлама, кўй,  
Юзмас, хотир қаро бугун.  
Юракларга бўйлама ўй,  
Дил эмас, сўз яро бугун.

Бошга тушганни кўрса кўз,  
Ҳозир кўзникидир бошга.  
Деманг, ўрин алмашган сўз,  
Талқинидир бошқа-бошқа.

Кўнгил эмас, ошқозон тўқ,  
Бой-бадавлат орзу — юпун.  
Туйғуларни авайлаш йўқ,  
Бўлсин пулнинг бағри бутун.





Аввал тутқуч бермасди вақт,  
Энди тутқуч бермас одам.  
Излаб юрар бир бошни бахт,  
Афсус, бошга маъқулдир ғам.

Кўз очлиги очлик эмас,  
Гоҳ ундан оч фикр шўрлик.  
Яша меҳр, бор бўл, демас,  
Олқишланар муштумзўрлик.

Бир кам дунё – таскин бекор,  
Қадр бир кам, қадр бир кам.  
Вақт югурук, вақтки тезкор,  
Ундан-да тез ўтар одам.

Энди рухсат беринг бизга,  
Қаламимдан қолиб кетмай.  
Сўзланг, фурсат бердик сизга,  
Қолар гоҳо навбат етмай!





## ХАЙР, ДЕМА...

Хайр, дема йўлга тушар чоғ...

Кўз тегдими — кўздан бўлдими,  
Суяксиз тил — сўздан бўлдими?  
Ағёр маълум — эдинг-ку огоҳ,  
Ишонган дўст — ўздан бўлдими...  
Нега бунча бахтсизсан, нигоҳ?

Меҳр мағлуб, қаҳр ғолибдур,  
Ҳиммат ўрнин миннат олибдур.  
Омонат тахт эканми кўнгил —  
Ўтирар ғам бугун ташлаб кўр,  
Подшоҳ эди кеча атиргул.

Мен — кўзингда қийналган мулзам,  
Сен — юзимни силаган шабнам.  
Айиролмай ҳайрона гардун:  
Мен — қалбингда адо бўлмас ғам,  
Сен — кўксимда бедаъво дардим.

Хайр, дема йўлга тушар дам....





## ЁРИЛТОШ

Борай десам бахтнинг қасрига,  
Чўққиларнинг бошида экан.  
Муродига етмак аслида,  
Юрак – ёрилтошида экан.

Зумрадингман, ёрилгин, дедим,  
Ёр юраги ёрила қолмас.  
Эртақларга кетмоқчи эдим,  
Ёрилтошим бағрига олмас.

Сўнг қайтаман ноилож, дилхун,  
Яна оддий кунга қайтаман.  
Қулоқ солгин, эй дунёи дун,  
Бир армонли қўшиқ айтаман.

Айлантириб қўйсайди гулга,  
Оҳ, қанийди шумшук жодугар.  
Мени излаб тушса ёр йўлга,  
Тўққиз бошли аждарҳоси бор.





Майли, горнинг тубида қолиб,  
Ялмоғизнинг ёнида ётсам.  
Еру кўкни ларзага солиб,  
Топаман деб, ёр ичса қасам.

Ўрмонларда юрсам адашиб,  
Жон-жон дердим тутса қароқчи:  
Саҳролардан, тоғлардан ошиб,  
Бўлса агар ёр қутқармоқчи.

Берса ганим заҳарли олма,  
Есам, мангу уйқу элитса.  
Тирилтирса ғафлатда қолмай,  
Ул оташин, ҳаётбахш бўса.

Орзуларим шамолдай елсин,  
Умид ҳамма нарсага қодир.  
Кўшиғимни эшитиб келсин,  
Эртакларда қолган баҳодир.





Дилга жойлаб оҳ-зорларимни,  
Кўзларини ёшлаб келсин у.  
Англаб чеккан озорларимни,  
Шодликларни бошлаб келсин у.

Шунда хайр, дейман хушчақчақ,  
Рангсиз ва жўн кунларим, хайр.  
Йўлларимга термулган муштоқ  
Бахт қасрида қилурман сайр.

О, эртақлар — кўнгил малҳами,  
Оҳ урганни овутажаксиз.  
Арир бир кун кипригим нами,  
Мен малика бўлурман, шаксиз.

Ёрил, дейман ёрилтошимга,  
Ёрилмаса қайтавераман.  
Армонларни ювиб ёшим-ла  
Бул қўшиқни айтавераман.

Айтавераман, айтавераман...





## ДЕМАДИ-КУ

Мен ёр дедим, ёронлар,  
Ул ёр, ёр демади-ку.  
Кечмоқни мен дедим ор,  
Ул ёр, ор демади-ку.

Гул изладим беҳуда,  
Очилмоқ умидида.  
Чаман ичинда туриб,  
Бизда бор демади-ку.

Чеҳраси шамсу қамар,  
Хуфтон кўнглима самар.  
Жамолин бир кўрсатмас,  
Нурга зор демади-ку.

Кўзимда аччиқ ёшим,  
Тошдан қаттиқми бошим.  
Берган азобларини,  
Ҳеч озор демади-ку.





Оҳ, деб кўкка чўздим кўл —  
Кўкламимда урди дўл.  
Лабин буриб кулди у,  
Эсиз, хор демади-ку.

Ишқи беором этди,  
Зорим фалакка етди.  
Ҳол сўрмаса ҳам майли,  
Эй, бедор, демади-ку.

Жафоларидан тўйдим,  
Бақони бахтга йўйдим.  
Дедим, илкинг сиртмоқ эт,  
Мана дор, демади-ку.

Видолашдим, хайр дедим,  
Сўнгги бор — муштоқ эдим —  
Лоақал бир хўрсиниб,  
Яхши бор, демади-ку.







Ўтаверди ойми кун,  
Юрагимни этиб хун.  
Ортидан сўроқладим,  
Бахтиёр демади-ку.

Бошим хам, дилим чўкди,  
Тилим дуолар тўкди.  
Эй, ғам, ундан кет, десам,  
У безор демади-ку.

Ёр дедим мен, ёронлар,  
Ул ёр, ёр демади-ку.  
Кечмоқни мен дедим ор,  
Ул ёр, ор демади-ку.





## ОЙ ВА АЁЛ

Тўлин ойга термулар аёл,  
Қуримаган кипригин нами.  
Оппоқ нурга чулғанар хаёл,  
Лабларида шуъланинг таъми.

Оҳ, уради. Сесканади ой —  
Наҳот кўкси ғамларга туташ?  
Юмшатмаган наҳот шу чирой,  
Эримаган наҳот бағритош?

У нурларин тўкади майин,  
Сирлашмоқчи дугона бўлиб.  
Ой чехрасин ёритган сайин,  
Аёл ранги борарди сўлиб.

Тўлин ойга термулар аёл...





## КЕЧИККАН ҒУНЧА

Маъюсгина чайқалар ғунча,  
Ифор бұлиб сочилмоқ учун.  
Талпинасан офтобга бунча,  
Кечикдингми очилмоқ учун?

Аммо гүзал, ёруғ шу олам,  
Қиров бұлиб лабингга чўкар.  
Ёмғир айтар ёздан шўх салом,  
Кўк аямай қаҳрини тўкар.

Манман шамол беради озор,  
Ўқраяди қоп-қора қушлар.  
Яноғингдан ўпа бошлар қор,  
Муздек қўли ёқангдан ушлар.

Дийдирайсан, титрайсан ҳайрон,  
Бу қандайин ноҳақлик, дейсан.  
Яшнамоққа ташна митти жон,  
Очилмоқни ҳамон истайсан!





Хукмрон Вақт гуллашга қўймас,  
Кечикканинг келади малол.  
Кузга таъна қилаверма, бас,  
У ҳам меҳмон, видолашиб қол.

Тушунмайсан — бўласан хафа —  
Ҳар нарсанинг вақти борлигин.  
Англаб етгум шунда илк дафъа,  
Сен — ечилмай қолган кўртугун.

Мавҳум қолган қанча синоат,  
Балки сенда мен излаган бўй?  
Сўнг бор баҳор қучоғида ёт —  
Иссиққина кафтимга бош қўй.





## ЙИҒЛАЙВЕРМА

Эй, куз – хазон фасл, йиғлайвермагин,  
Хира осмонингни артиб қўяйми?  
Йилнинг маъюсгина, сўлгин эрмагин  
Ким у хафа қилган – қуёшми, ойми?

Ойдан ўпкалама, ой бир бечора,  
Айланаверади, борар ери йўқ.  
Шўрлик қачонлардан бери овора,  
Келақол бағримга, келгин, дери йўқ.

Қуёшнинг-да кўзи қизариб кетган,  
Олов қучоғига талпинмас ҳеч зоғ.  
Тўкаётган нури изтироб, ишон,  
Бағри оташ унинг, ишон, бағри доғ.

Менга ҳавас қилма, нимасин айтай,  
Ўзининг шарҳини билмаган ўзман:  
Сен кузсан, фақат куз, бўлди ҳарқалай,  
Мен – Ойман, Қуёшман ва яна... Кузман.





## СУКУНАТ

Сукунат. Қанчалар ёқмайдиган сўз,  
Ёқмайди туйғулар сукутга чўмса.  
Соғинч, тўкил, соғинч, хазон каби тўз,  
Майли, изғиринни, ёмғирни қўмса.

Бутунга ўхшайсан, бутга ўхшайсан  
Шодлик, нега жимсан, гўё синган най.  
Сукунат — таҳлика, таҳлика — душман,  
Рухдаги сайроқи қушлар тингандай.

Сукунат. Нақадар ёқмайдиган сўз,  
Азоб, кўз ёш бўлиб тўкил сийнама.  
Тўкил, шубҳа. Шубҳа, хазон каби тўз,  
Ишонч, бир нима де, ишонч, қийнама.





## НЕГА КУЗНИНГ...

Нега кузнинг ўртасида қор,  
Асабларни синамоқчидай?!  
Гўё қишнинг шум нияти бор,  
Дил оромин тунамоқчидай.

Ҳали деҳқон кўтармади қад,  
Сочганини терганича йўқ,  
Қор ёғмоқда беҳис, бешафқат,  
Ерга ишлов берганича йўқ.

Шу пайтда қор нимаси, деди,  
Ҳали оппоқ турар пахтазор.  
Энди совуқ урмаса эди —  
Етилмаган полизи ҳам бор.

У жонсарак олисга бўйлар,  
Хаёлидан кетмас даласи.

.....  
Ҳали этик олмовдим, ўйлар  
Мактабидан қолган боласи.





## ЧИПТА

*Поезд кетиб бўлди.  
Халқ ибораси.*

Кетаверсин поездлар,  
Улар асли кетгувчи.  
Ҳали самолётлар бор,  
Манзилларга элтгувчи.

Умид ташлаб кетмас ҳеч,  
Орзу сизга мунтазир.  
Осмон этинг юракни,  
Юракда-ку барча сир.

Поездларга ачинманг,  
Хайр, денг кетганларга...  
Парвозлари муборак,  
Тушуниб етганларга.







## САБО

Боғда кезардим дилхун,  
Ҳамроҳим эрди сабо.  
Оҳ дедим, оҳларимни  
Гул каби терди сабо.

Энтикиб кетди чаман,  
Чайқалиб хўрсинди гул.  
Оҳларим хушбўй этиб,  
Қайтариб берди сабо.

Муддаоси не эркан:  
Хушомад-ла суйкалиб,  
Кетолмай, атрофимда  
Айланаверди сабо.

Бўйнимда сирғалиб шўх,  
Юзларимни сийпалаб,  
Жаҳлимни чиқарди-ю,  
Қошимни керди сабо.





Дедим: бу не қилиқдур,  
Кўйгин ўз ҳолимга, ҳей.  
Нодон, кўнглингда не гап,  
Қулоқ сол, дерди сабо.

Капалак-ла қувлашиб,  
Ўйнашиб ниначи-ла,  
Қулфи-дилини очинг дер —  
Ғамимни ерди сабо.

Сўнг изим тавоф этар,  
Эътимодин англатиб...  
Пайқадим: ул ҳам кимидур  
Оҳлари эрди — сабо.

Оҳ дедим, оҳларимни  
Гул каби терди сабо.  
Гуллар атрин сепди-ю,  
Қайтариб берди сабо.





## АЙТАЙ ДЕСАМ...

Айтай десам дардимни,  
 Дардкашим дардманд экан.  
 Ах, кечикиб бордимми,  
 Кўз ёшин артган экан?  
 Экан-н-н-н-н-н-н.....

Кимни деб тўқдинг уни,  
 Нени деб куйдинг шунча?  
 Мендан олдин келдим,  
 Севги деган тушунча?  
 Тушунча-а-а-а-а-а.....

Унинг ортидан келган  
 Бахт бўйли ғам бўлдим?  
 Кўз сачратган ўт эркан,  
 Кипригинг нам бўлдим?  
 Бўлдим-и-и-и-и-и.....

Гувоҳ қуёш, гувоҳ ой,  
 Кимга дучман — ғам туйган.  
 Малҳам излар кимса, ҳой,  
 Яқинлашма, мен куйган —  
 Мен-да сенингдек суйган,  
 Суйган-н-н-н-н-н-н.....





## ЭТИБ БЎЛМАС

Тушунмай ҳаёт суратин,  
Англамай ҳамроҳ суръатин  
Топмайин кўнгил журъатин,  
Феълниким тарк этиб бўлмас.

Ўнгласа-да турмушин хўп,  
Оломондир одам бир тўп.  
Қилган ишига боқиб кўп,  
Бандасин фарқ этиб бўлмас.

Недин завқ, недин азоблар,  
Қайдин муҳаббат, ғазаблар?  
Кўпайса кўпаюр гаплар,  
Борича шарҳ этиб бўлмас.

Ҳасад қорайгандан қора,  
Фитнаи фасод оввора,  
Ёлғон тополмайди чора —  
Виждонни фарқ этиб бўлмас.





Орзуларни дилга жойлаб,  
Армоннинг кўзларин бойлаб,  
Тақдирни чалғитиб, ройлаб,  
Қисматни тарҳ этиб бўлмас.

Нафсниким қул этмай туриб,  
Кўзданким ёш кетмай туриб,  
Муродгаким етмай туриб,  
Юракни арк этиб бўлмас.

Гар қуёш нури битмаса,  
Дунёни маъжуж ютмаса,  
Ки инсон бордур, йитмаса,  
Севгини марг этиб бўлмас.

Махлуқоту набототи,  
Кўпаймоқ асл тоати,  
Келмаса вақти-соати,  
Куртакни барг этиб бўлмас.





Нима берса, берсин Ўзи,  
Кимнинг бўлмаса ўз сўзи,  
Афсус, йўқ эрса нуфузи,  
Ақлни чарх этиб бўлмас.

Айрилиқ жафоси недир,  
Етишмоқ вафоси недир,  
Тириклик баҳоси недир —  
Умрни нарх этиб бўлмас.

Шуур қўрқувдан тонмаса,  
Нафас ҳурликка қонмаса,  
Фурур озод уйғонмаса,  
Толеда ярқ этиб бўлмас.

Ўз ўқинда айланса ер,  
Ишонч бир ённи қибла дер.  
Қиёматгача имкон бер —  
Бошқа ғарб, шарқ этиб бўлмас.

Этиб бўлмас, этиб бўлмас.





## СЕН ШУНЧАКИ...

Сен шунчаки менга қарамайсан тик,  
Нигоҳларинг ерга қадалган кўйи  
Сўзлайсан хотиржам, равон ва тетик,  
Анқиб кетар бирдан настарин бўйи...

Сўйлайсан баҳарнинг илк кунларидан,  
Хўрсиниб қўясан чуқур ва ғамнок.  
Азиз хотиралар чарчоқ, ҳориган,  
Сен сўйлай бошлайсан дадилроқ, янгроқ.

Мен эса олисга тикилганимча,  
Ўйлайман йилларнинг армонларини.  
Юрак – унутилган эски тугунча,  
Сақлаб келаётган экан барини.

Мана ўша нурли, бахтли қиёфа,  
Орзу қучоғида яйраган кўнгил.  
Севги қанотида биринчи дафъа  
Учгани қуш каби гўзал ва енгил...





Қани ўша баҳор, қани ўша куз,  
Қайда қолиб кетмиш орзулар, қайда?  
Йўқолиб бормоқда туйғуларимиз,  
Майда ташвишлардан ҳис майда-майда.

Сен жўша бошлайсан, тоша бошлайсан,  
Ўтган шодликларни сўйлайсан бир-бир.  
Нега пайқамайсан, нега ташлайсан  
Азобга — соғинчлар олмоқда асир...

Сен шунчаки менга қарамайсан тик,  
Нигоҳларинг ерга қадалган кўйи  
Сўзлайсан хотиржам, равон ва тетик,  
Анқиб кетар бирдан настарин бўйи...







## СЕВАМАН ДЕ

Юрак — жанг майдони, қиёмат...  
Кучайган ғазабнинг лашкари.  
Севгининг устига қўяр от,  
Уни бўлмаяпти бошқариб...

Севгининг қонлари тўкилди,  
Қўлидан тушмоқда байроғи.  
У мағлуб, мана у йиқилди  
Ва... барчаси тугади, чоғи.

Севгилим, севгимиз бечора,  
Бошини кўтарар сўнгги бор.  
Севаман — қичқиргин минг бора,  
Севаман де, кел, уни қутқар!





## ҒАМГИН ҲИСЛАР...

*Укам Акмалнинг хотирасига.*

Ғамгин ҳислар менга бегона,  
Йўқ, уларни ошно тутмайман.  
Гуллаш вақтим келса гар шомда,  
Гуллайвергум, тонгни кутмайман.

Ким билади, нелар ёр тонгга,  
Балки баҳор, балки ёғар қор?  
Таъзим айлай меҳрибон шомга,  
Зотан, гуллаш имконимда бор.

Мен завқни, шавқ мени суяжак,  
Топиб олгум шодликни ўзим.  
Юрак бирдан бахтни туяжак —  
Юлдузларни кўрмакда кўзим.

Қай кун дилни ўртаган алам,  
Вужудимни ёққан изтироб,  
Бўлиш керак нега муқаррам,  
Нега азиз, ҳаёт, бер жавоб?





Манзилим қай? Бора-борганча  
Нега ғамни ардоқлашим шарт?  
Бор умримни шўрга қорганча  
Ўтиб кетма, Кўз, ёшингни арт!

Армонларни бағримга босиб,  
Бўзлаб чиқмоқ керакми тунлар?  
Чеккан азоб — гарчи ул насиб,  
Хазон янглиғ унутилсинлар!

Ажал, мен-ла кўриш ҳушчақчақ,  
Табассумга жон нисор этай.  
Мени кулиб чорласин-да Ҳақ,  
Сўнгги йўлга жилмайиб кетай.





## ПОРТРЕТ

Устимдаги кўйлак бахтники.  
У жуда ажойиб, чиройлик,  
Табассум ярашиб туради унга,  
У эса ярашар менга жуда ҳам,  
Кўчалик кўйлагим у менинг.

Уйда бошқасига алмаштираман,  
Уй кўйлакда юраман ғамгин.  
Ва бирдан киртайиб кетар кўзларим,  
Елкаларим чўкади аста. Ахир...  
Бу кўйлагим бахтсизники-да.

Уй кўйлагим мени ҳоритар охир,  
Уни ечаману улоқтираман.  
Озодлик — вужудим куйлаб юборар,  
Ой нури олқишга ташлайди кўмиб,  
Уйку чойшабидан излайман паноҳ —

У менинг энг сўнгги кўйлагимдир, оҳ...





## УНУТИБМАН

Мен унутдим севгининг таъмин,  
Май таъмига ўхшар эдими?  
Анов кимса деди, у ширин,  
Анов эса, таҳир дедими?

Бири шодон, бириси ғамгин,  
Иккиси-да ҳақлигин айтар.  
Унутибман севгининг таъмин,  
Ёрим, менга ўшани қайтар.

Истайманки ором олсин жон,  
Ташна лаблар топсину қўним:  
Бу ташналик қўймайди омон,  
Севги жомин келтир, севгилим.

Оташ бўлиб ёнмоқда юрак,  
Кул бўлмоқда эҳтиросларим.  
Ишқ шаробин узатгил тезроқ,  
Симирайин ёлғон, ростларин.





Симирайин чирт юмиб кўзни,  
Майли, аччиқ, майли, бўлсин бол.  
Сезаяпман севгилим ўзни,  
Саҳродаги йўловчи мисол.

Қимтинганча қурқшаган лабим,  
Фақат битта жумлани айтар:  
Унутибман севгининг таъмин,  
Ёрим, менга ўшани қайтар.

Унутибман севгининг таъмин,  
Май таъмига ўхшар эдими?  
Анов кимса деди, у ширин,  
Анов эса, таҳир дедими...





## ҚУШЧАГА

Эй, бижирлаётган қушча,  
Қанотлари ранг-баранг.  
Овозинг жуда ширин,  
Хўп чиройли, кўп жаранг.  
Куйла десалар, шошиб,  
Ўзингни босиб аранг,  
Боғни ларзага солиб,  
Шўх-шан куйлашинг бекор.  
Ўзга менга етмас, деб  
Калта ўйлашинг бекор.

Сенгача бу боғларда  
Не-не қушлар роз айтган.  
Ҳар қувончу дардини  
Бийрон айтган, соз айтган.  
Тиллари куйса ҳамки,  
Тўхтамаган, боз айтган.  
Сен бу ҳақда, албатта,  
Дарахтлардан сўраб кўр.  
Бемору соғ, бедору,  
Карахтлардан сўраб кўр.





Шунда ҳайрон қоласан,  
Дарахтларга тил битгай.  
Бемору соғ, бедор не,  
Қарахтларга дил битгай.  
Сўнгра бурро тилиннга  
Андишадан нил битгай.  
Аввал эшитиш, тинглаш,  
Қулоқ солишни ўрган.  
Керакда жўр бўлишни,  
Навбат олишни ўрган.

Эй, бижирлаётган қушча...







## АГАР СЕВМАСАЛАР...

Агар севмасалар бошингни эгма,  
Бахт куши кўнмайди эгик бошларга.  
Ким сенга тош отса, сен унга тегма,  
Раҳм этгин бегуноҳ, эркисиз тошларга.

Ҳаёт шундай — дема, оғриганда дил,  
Ҳаёт малҳам, ҳаёт нажоткор — даво.  
Ҳамдард тополмасанг, ойга ишонгил,  
Дардинг юлдузларга кўрақол раво.

Сирли кечаларнинг сеҳргарлари  
Кўнглингни кўтаргай навбатма-навбат.  
Таъзим қилар шунда шодликлар бари,  
Қилажак сен учун ҳаёт ибодат.

Агар севмасалар бошингни эгма,  
Бахт куши кўнмайди эгик бошларга.





## ФОШ ЭТМА

Йиғламайман, йиғи менга ёт,  
Кўзларимни каттароқ очгум.  
Аммо менга қилиб хиёнат,  
Ич-ичимда йиғлаётган ким?!

Ким бўлса-да, етмайди кучим,  
Йиғлайверар қилганда алам.  
Зотан, мағрур яшамоқ учун,  
Асло уни фош этма, қалам.

Йиғламайман, йиғи менга ёт...





## ТОШ

Кимнинг бағрин тош деса,  
Тош хўрсинар ўпкалаб.  
Кўклам шамоли эсса  
Тақир кўксини силаб:  
Титраб нозик барглари  
Эрка чечаклар унгай.  
Фунчаси бўртган сари  
Тош тошлиқдан суюнгай.  
Сўнг ҳовучлаб жонини,  
Шамолга ялингай зор.  
Жувонмарг этма уни,  
Гулга берма, дер, озор.  
Ўтиб кетади шамол...

.....  
Сен бир бор оҳ, демассан.  
Тош десам, келар малол,  
Йўқ... ҳатто тош эмассан.





## ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

Кувондим безалган арчага боқиб,  
Яна бир янги йил нишонаси у.  
Шунда бирдан кетди табассум оқиб,  
Сизиб-сизиб оқди, ишонасизму?

Битта-битта қалқди, оқди томчилаб,  
Кўзларимдан кўрган-кечирганларим.  
Кетиб бораётир вақтни қамчилаб,  
Эслаб қолганларим, ўчирганларим.

Бу рост, бу ҳақиқат. Бу кўз ёш эмас,  
Нима у? Умримнинг парчаларими?!  
Умр нима ўзи, ҳозирча, о, бас...  
Қирқ етти янги йил арчаларими?!

Шоҳона шоҳларда ранг-баранг, ялтир  
Ҳар битта ўйинчоқ бу жойга ҳақли.  
Чизилар номларин айтсам бирма-бир,  
Шодлик, йиғи, армон, гурурнинг шакли.





Кўзчалари кулган ойчалар бунда,  
Ойдаин балқиган дамимдан сўйлар.  
Ял-ял ёнаётган юлдузлар — тунда  
Ёруғ кун умиди ҳақдаги ўйлар.

Ҳаттоки, бир парча қоғозга жойлаб,  
Ҳайқирган дарёни ўртага қўйдим.  
Шумшук қашқир кимни турибди пойлаб —  
Пана-пастқамдаги нафратдан тўйдим.

Йўлбарслар осилган важоҳати зўр —  
Керак бўлгандирки, ташланганим бор.  
Кўзичоқ жовдирар, кўриниши ғўр —  
Бир куни кимдандир тишланганим бор.

Тиржаяр ялмоғиз қаторда, ана —  
Ҳийланинг кучини татимаган ким?  
Фаришталар боқар гуноҳқорона —  
Дилингиз оғритсам, билмай оғритдим.





Тулки... тулки бунча боқади айёр —  
Кимгадир қилганим тулкилик аён.  
Яна бир кунимнинг изоҳи тайёр —  
Бўлган эдим қачон, қаерда... қуён?

Полвон айиқчалар — улкан соддалик —  
Алданган ишончим ёдимга солгай.  
Бургут кўзларига боқаяпман тик,  
Мағрур туришлари дардимни олгай.

Ёллари тўзғиган қанотли тулпор,  
Бунчалар гўзалдир эрким мисоли.  
Мана у, учмоқда оппоқ кабутар,  
Орзуларим каби қафасдан холи.

Жажжи қуёшчалар порлоқдан-порлоқ,  
Чароғон кунларим кўз-кўз этарлар.  
Яна қанча-қанча турфа ўйинчоқ,  
Яхши-ёмонимдан шарҳлаб кетарлар.

Мен каби янги йил кутаётганлар,  
Арча безатайлик бахтга муносиб!  
Албатта, безайлик кўп йиллар такрор,  
Кўпроқ қуёшчалар қўяйлик осиб!





## ҚОРА ИТ ҲАҚИДА ОҚ ШЕЪР

Катта шаҳар... Баҳор кунлари...  
Тонг отмоқда оппоқ оқариб,  
Ҳали ҳаво мусаффо, салқин.  
Айтмаса ҳар замон ўтган автони,  
Кўчаларда жимжитлик ҳоким.  
Кимсасиз хиёбон мудрайди ҳали,  
Улкан ва ям-яшил чинор остида  
Кўм-кўк ва топ-тоза, чиройли ўтлоқ.  
Ҳаётнинг шундай соз неъматларию  
Умрининг шу масрур лаҳзаларини  
Бағишлаганини қаранг ачинмай  
Бир забардаст эркак —  
Жунлари хўп пахмоқ,  
Ранги қоп-қора, кўзлари мунгли  
Бир итни етаклаб сайр этар хушнуд.  
Дарвоқе, нега кўзлари мунгли,  
Мунг садоқат рамзими ёки?  
Уриб ҳайдашса-да, мўлтираб турар,  
Мутлақо билмайди ранжишни улар.





Ўчакишмайдилар, нафратланмаслар,  
Қасд олишни кўнглига тугмас  
Ва ўлгунча ташлаб кетмайди.  
Ҳа, айтганча, бироз чалғидим...  
Ўша забардаст эркак,  
Ажабтовур, пахмоқ итини қучади,  
Ўпади, кўзларига тикилар узоқ!  
Уни жуда яхши кўриши аниқ,  
Ажабмас... У энг сара таомни еса,  
Балки ухлар пар тўшакларда.  
Бу забардаст эркак бирор кимсага  
Унга сарфлаганча маблағ сарфламас,  
Унга боққанчалик муҳаббат билан,  
Меҳр билан боқмас ҳеч кимга балки?  
Жунжукиб кетади бир ўйдан ҳайрат —  
Анов деразадан термулиб турган  
Оппоққина аёлнинг қоп-қора ит  
Бўлгиси келар унинг ёнида.  
Ҳа.....







## ЭЙ, АЁЛ...

Эй, аёл, пойнингда хизматга шайдир  
Бу баҳор, кўнглингни кўтармақ истар.  
Сени деб келгани рўстга ўхшайди —  
Ардоқлашга мустар, сийлашга мустар.

Тўхтат юмушингни, ишингдан чалғи,  
Таъшишлардан эгик бошингни кўтар.  
Ўша таниш майса, чечак ҳар галғи,  
Қадрдон қирларда ясаниб кутар!

Тиниб-тинчимасим, меҳнаткашгинам,  
Ёрилган кўлингни қуёшга узат.  
Иссиқ чехрасига термулиб бир дам,  
Рўмол эзғилаган сочингни тузат.

Нокаслар ўчирмоқ бўлган изингни  
Тавоф айлар кўклам лабига босиб.  
Абрига тутиб бер оппоқ юзингни —  
Фунчани чаймоққа найсон муносиб.





Эй, маъюс нигоҳлар, кулақол энди,  
У табиб, дардларинг олмоққа муштоқ.  
Бу сафар, албатта, унинг-ла келди  
Муҳаббат — сен билан қолмоққа муштоқ.

Деразанг кўзида ғуборларни арт,  
Нурларни идрок эт мукамал, тугал.  
Лоақал, дарахтдек гулламоғинг шарт,  
Дарахтдек қучоқ оч унга лоақал!

Чарх урган қушларга саломлар айтиб,  
Жилғага жўр овоз бўлиб сийлагин.  
Албатта — кетаркан бир куни қайтиб —  
Руҳингга кийдирар рангин кўйлагин.

Эй, аёл, пойингда хизматга шайдир,  
Бу баҳор кўнглингни кўтармақ истар.  
Сени деб келгани ростга ўхшайди —  
Ардоқлашга мустар, сийлашга мустар.

Баҳоринг кўнглингни кўтармақ истар...





## ҲАР ДОИМ...

Ҳар доим ҳам кулмайди омад,  
Сийламайди шодлик бирдайн.  
Аммо бахтдан сўйлайман фақат,  
Доим бахтни куйлашим тайин.

Кечаги ғам, дардлар соғаяр,  
Бугунги кун отар экан ҳур.  
Кеча тинган орзу уйғонар,  
Уйғонади ишонч ва ғурур.

Ҳис қилганда тинчликнинг исин,  
Бахт — мўъжиза бўлажак содир.  
Туяжакман ташаккур ҳиссин,  
Яна сўзим кулишга қодир.

Жилмаяди қаламим эркин,  
Чехралардан олиб андоза.  
Ахир шодон куйламайди ким,  
Кўнгилларни кўрганда тоза.





Ҳасратларга асло ҳаққим йўқ,  
Сўзим кутиб турганда Ватан.  
Қаламимдан менинг кўнглим тўқ,  
Юрак бўлиб урганда Ватан.

Сўзим кутиб турганда Ватан,  
Нолишлардан қочажак шеърим.  
Юрак бўлиб урганда Ватан,  
Нурга қучоқ очажак шеърим.

Ҳар доим ҳам кулмайди омад,  
Сийламайди шодлик бирдайн.  
Аммо бахтдан сўйлайман фақат,  
Доим бахтни куйлашим тайин.

Юрак бўлиб урганда Ватан!



## БАҲОР ЭРТАКЛАРИ



Кел, қалдирғоч, кафтимга ин қур,  
Болаларинг кўтарай бошга.  
Гўдақларга керак кўпроқ нур,  
Яқин бўлсин она қуёшга.

Тилла қўнғиз чаппар ур, айлан,  
Кел, кўзларим этайин чироқ.  
Порлаб турар сен учун айнан,  
Ўйна, дўстим, ўйна яхшироқ.

Нафас олмай турайин бир дам,  
Капалак кел, лабларимдан ўп.  
Оз бўлса-да, яша хотиржам —  
Атиргулинг бўлайин бир тўп.

Оёқ қўйиб турибман, замин,  
Кечир, тупроқ, ранжима, тупроқ.  
Кел, минг марта бўламан амин,  
Сен онамга ўхшайсан кўпроқ.

Келинг тезроқ, яна ким қолди,  
Яна ким бор мендан умидвор?  
Қалбни меҳр қучоқлаб олди,  
Вужуд ювош, вужуд беозор,  
Эртақларин бошлади баҳор.



## МУНДАРИЖА

Шеърят фасли .....	5
Ватан .....	7
Бош силкийсан... ..	11
Ёзнинг кириши .....	12
Кўришмоқ ишқи .....	14
Сархушман .....	16
Қараб бўлдим .....	17
Чорлов .....	18
Майли деманг .....	19
Қайтиш азоби .....	20
Ташқарида... ..	22
Сиздан эмас .....	23
Гоҳ-гоҳ .....	25
Хайр дема... ..	27
Ёрилтош .....	28
Демади-ку .....	31
Ой ва аёл .....	34
Кечиккан гунча .....	35
Йиғлайверма .....	37
Сукунат .....	38
Нега кузнинг ... ..	39
Чипта .....	40
Сабо .....	41
Айтай десам... ..	43
Этиб бўлмас .....	44
Сен шунчаки... ..	47
Севаман де .....	49
Ғамгин ҳислар... ..	50
Портрет .....	52
Унутибман .....	53

Кушчага .....	55
Агар севмасалар .....	57
Фош этма .....	58
Тош .....	59
Янги йил арчаси .....	60
Қора ит ҳақида оқ шеър .....	63
Эй, аёл... ..	65
Ҳар доим ..	67
Баҳор эртаклари .....	69

84(5Y)6

A 51

Насиба Дилсўз  
(Насиба Ризасва)

Дилсўз, Насиба.

Баҳор эртаклари (шеърлар)/Насиба  
Дилсўз.

Т.: "DAVR PRESS", 2007. - 72 бет.

- ISBN 978-9943-312-07-4: Б.д.

№ 166-2007 А.Navoiy nomidagi  
O'zbekiston Milliy kutubxonasi.

**ББК 84(5Y)6**

Бош муҳаррир	У. Урунов
Техник муҳаррир	Р. Шагаев
Мусаввиф	Д. Мадраҳимова
Дизайнер	М. Жўраев
Саҳифаловчи	Р. Файзраҳманов

2007 йил 14.03. йилда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1/2</sup> -  
Baltica Uz гарнитураси. Шартли босма тобоғи 2.25.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 2.10. Адади 1000 нуска.  
43-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS»  
нашриётида тайёрланди.

«MAXIGRAF PLUS» босмаҳонасида чоп этилди.

Манзила: 100156, Ўзбекистон республикаси,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20А даҳа, 42-уй.  
Тел.: 116-90-14.